

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА МАХСУДА МИРЗАҚУЛОВНА**

**ҒАРАМЛАНГАН ПАХТА ЗИЧЛИГИ ЎЗГАРИШИНИНГ ТОЛА СИФАТ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИП ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Исматова Махсуда Мирзақуловна**

Ғарамланган пахта зичлиги ўзгаришининг тола сифат кўрсаткичлари  
ва ип хоссаларига таъсири ..... 3

**Исматова Махсуда Мирзақуловна**

Влияние изменения плотности бунта на показатели качества волокна  
и свойства пряжи .....21

**Ismatova Makhsuda Mirzakulovna**

The effect of changes in the density of cotton bunts on fiber quality indicators  
and yarn properties.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....42**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА МАХСУДА МИРЗАҚУЛОВНА**

**ҒАРАМЛАНГАН ПАХТА ЗИЧЛИГИ ЎЗГАРИШИНING ТОЛА СИФАТ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИП ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Т2114 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Жуманиязов Қадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мадумаров Илхом Дедаханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Акмал Ахмедович**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Наманган муҳандислик технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 20 август соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17; [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин.(108-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферат 2021 йил 5 август куни тарқатилди.  
(2021 йил 5 август 108-рақамли реестр баённомаси).



**И.К.Сабилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.



**А.З.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., проф.

**И.А.Набиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д, проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пахта толасини етиштириш, сақлаш ва пахта толасидан йигирув маҳсулотлари, матолар, тайёр кийим-кечак маҳсулотлари экологик тоза ва инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида пахта етиштириш бўйича Хитой, АҚШ, Бразилия, Ҳиндистон давлатлари етакчи ўринларда туради»<sup>1</sup>. Дунё бозорининг ушбу сегментидаги ўрни ва нуфузини сақлаш учун бу мамлакатларда пахтага ишлов бериш технологиясини барқарор ривожлантириш, замонавий технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришда пахтани сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини сифатли амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда унинг сақланиши ва қайта ишлаш технологик жараёнларига таъсир этадиган асосий омилларни аниқлаган ҳолда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пахтани сақлаш, қайта ишлаш ва йигириш корхоналарида тола ва ип сифат кўрсаткичларини яхшилаш, технологик жараёнларда пахта толасининг тозаланиш самарадорлиги, механик шикастланиши, бурамдорлик кўрсаткичларининг ва пахта толасидан олинган йигирилган ип хоссалари ўзгаришини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пахта етиштириш, сақлаш ва пахта толасидан сифатли рақобатбардош маҳсулотлар олишда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, сақлаш ва қайта ишлашда пахта толаси ва ундан олинадиган маҳсулотлар сифатини сақлаб қолиш имконини берадиган ресурстежамкор, янги усуллари яратиш, техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, пахта тозалаш ва йигириш корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида яратилаётган ўлчов воситалари, усуллар ҳамда энергия ресурс тежамкор

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.

технологияларни жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика хуудларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахта хомашёсини қабул қилиш, сақлаш ва ғарамлаш жараёнларининг назарий масалалари, ғарамлаш технологиясини такомиллаштириш, унинг янги усулларини яратиш, ушбу жараёнларда пахта хомашёси ва ундан олинадиган пахта маҳсулотларининг сифатига таъсири масалаларини тадқиқ этиш билан ҳорижда R.V.Baker, S.E.Hughs, R.M.Sutton, M.Ryszard, B.G.Arydevalar шуғулланишган.

Республикада пахта хомашёсини қабул қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга узатиш технологиясини яратиш бўйича назарий-методологик асосларини ёритувчи фундаментал масалаларни ривожланиши бўйича тадқиқотлар Г.И.Мирошниченко, А.Нуралиев, А.Н.Суслин, Б.Г.Қодиров, Г.А.Тихомиров, В.Байдюк, М.Т.Ходжиев, Х.Қ.Рахмонов, Т.А.Очилов, М.Рўзметов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган технологиялар, услубиятлар пахтани сақлаш ва қайта ишлашда муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, ҳозирги кунда пахта-тўқимачилик кластери асосида толадан тортиб уни ип ва тўқувчилик жараёнигача маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИТД-3-39 «Ҳалқали усулда йигирилган пахта ипининг рақобатбардошлигини ошириш технологиясини яратиш» лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахтани ғарамлашнинг кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги моделини ишлаб чиқиш асосида тола ва ундан олинган ипларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этишни асослашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги пахтани ғарамлаш моделини ишлаб чиқиш ҳамда ғарамнинг турли қатламларидан олинган пахтанинг майда ва йирик ифлосликлардан тозаланиш самарадорлигини аниқлаш;

кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ҳамда ғарамнинг турли қатламларида сақланаётган пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида толанинг механик шикастланиши ва бурамдорлигининг ўзгаришини тадқиқ этиш;

кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ҳамда ғарамнинг турли қатламларидан олинган тола ва йигирув жараёни маҳсулотларининг нотекислик ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил этиш;

ип сифат кўрсаткичларини эмпирик ва назарий тақсимланиш меъёрлари орқали ҳамда математик статистика ва эҳтимоллар назарияси қонунлари бўйича баҳолаш;

пахта толаси ва ип параметрлари билан кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланишининг боғлиқлигини тажрибани математик режалаштириш усуллари билан аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ғарам, пахта толаси, тараш ва пилталаш пилтаси ва ип олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пахтанинг майда ва йирик ифлосланганлик даражаси, пахта толаси механик шикастланиши, бурамдорлиги, толанинг сифат кўрсаткичлари ҳамда пилтанинг нотекислик кўрсаткичлари ва ипларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ қилишнинг воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида пахта толаси, ундан олинган пилта ва ипларнинг сифатини баҳолашда махсус ва замонавий усуллар, назарий ва амалий механика, математик статистиканинг тажрибаларни қайта ишлаш, тўла факторли эксперимент ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахтани ғарамлашнинг кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги модели ишлаб чиқилган, ғарамнинг турли қатламларидан олинган пахтанинг тозаланиш самарадорлиги ҳамда дастлабки ишлаш жараёнидан кейин толанинг механик шикастланиши ва бурамдорлигининг ўзгариши аниқланган;

кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ҳамда ғарамнинг турли қатламларидан олинган тола ва йигирув жараёни маҳсулотларининг нотекислик ва сифат кўрсаткичлари аниқланган;

пахта толаси ва ип параметрлари билан кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланишининг боғланишлари ишлаб чиқилган;

пахтани ғарамлашнинг кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги модели ва ғарамнинг турли қатламларидан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари асосида эмперик тақсимланишни қиёсий баҳолаш дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш ва йигириш корхонасида сифатли маҳсулот олиш учун кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамлаш модели ишлаб чиқилган;

йигириш корхонасида тола ва ип сифатига салбий таъсир этувчи омиллар ўрганилган ҳолда уни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхоналарида пахтани кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликда ғарамлаш модели орқали иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамлаш модели синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани ғарамлашнинг кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги модели ишлаб чиқилганлиги, ғарамнинг турли қатламларидан олинган пахтанинг тозаланиш самарадорлиги ҳамда толанинг механик шикастланиши ва бурамдорлигининг ўзгариши ҳамда тола ва йигирув жараёни маҳсулотларининг нотекислик ва сифат кўрсаткичлари аниқланганлиги, пахта толаси ва ип параметрлари билан кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланишнинг боғланишлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, пахтани кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликда ғарамлаш моделини йўлга қўйиш орқали рақобатбардош юқори сифатли тола ва ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ип ишлаб чиқаришда пахтани кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликда ғарамлаш моделини йўлга қўйиш орқали орқали ип сифатини яхшилаш бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқаришга сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган муқобил сиғимли пахта ғарамлаш усули «O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарида, жумладан «JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA» МЧЖда жорий этилган. («O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги № 03/14-1890 сонли маълумотномаси). Натижада пахта толасини солиштирама узилиш кучи 26,3 sN/tex дан 27,1 sN/tex га, йигирилган ипларнинг солиштирама узилиш кучи 11,59 sN/tex дан 12,76 sN/tex га ошиш имконияти яратилган.

ғарамнинг турли қатламларидан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари асосида эмперик тақсимланишни қиёсий баҳолаш дастури «O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарида, жумладан «JIZZAX INDUSTRIAL TO'QIMA» МЧЖда жорий этилган. («O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмасининг 2021 йил 16 июндаги № 03/14-1890 сонли маълумотномаси). Натижада, тавсия этилган кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахтадан олинган йигирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини тезкор аниқлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан



ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида пахтани ғарамлаш жараёнида пахта сифатига таъсири таҳлиliga бағишланган. Пахта тозалаш корхоналарида пахтани қабул қилишдан бошлаб то уни қайта ишлаш жараёнлари тўғрисидаги олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил этилди.

Пахта тозалаш корхонасида қайта ишланган хомашёдан самарали фойдаланиш, толанинг тузилиши ва хусусияти бўйича олиб борилган ишлар юзасидан маълумотлар банки тўпланди ва таҳлил этилди. Ип йигирув корхоналарининг ривожланиш истиқболи, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганлиги ва уларнинг хомашё сифатига таъсири бўйича тадқиқот ишлари таҳлил этилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида Жиззах туманидаги пахта тозалаш корхонаси танланди ва пахтани ғарамда сақлашнинг такомиллаштирилган услуби ишлаб чиқилди.

Унинг учун ҳозирги пайтда районлаштирилиб келинаётган 5-типдаги Бухоро-6 селекция навли пахтани ғарамнинг юқори, ўрта ва пастки қатламларидан кейинги технологик жараёнларга узатиш жараёнида, яъни қуритиш, тозалаш, толани тозалаш жараёнидан кейин намуналар олиниб, тола ва ундан олинган ипларнинг нинг сифат кўрсаткичлари “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ лабораториясидаги замонавий USTER HVI 1000<sup>tm</sup> SA тизимида аниқланди ҳамда кичик ўлчамли «Шерли» йигириш қурилмасида 20 тексли иплар олинди ва уларнинг физик-механик хоссалари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтидаги «CentexUz» ва «SHOVOT TEKSTIL» корхонаси синов лабораториясидаги Uster Tester-5 қурилмаси ёрдамида аниқланди. Ундан ташқари, пахтани кичик ҳажмда ғарамлаш модели (1-жадвал) ишлаб чиқилди ва тола сифат кўрсаткичлари Textechno FIBROTEST асбобида аниқланди.

**Ғарамнинг тўғри тўртбурчак ва конус қисмидаги пахтанинг ҳажмий зичлиги унинг намлигига қараб қуйидаги миқдорларда қабул қилиш усули**

Пахта		Мавжуд			Тавсия			
Селекция нави	Намлик,%	Ғарамнинг тўғри тўртбурчак қисм баландлиги, m	Ҳажмий зачлик, kg/m <sup>3</sup>		Ғарамнинг тўғри тўртбурчак қисм баландлиги, m	Ҳажмий зачлик, kg/m <sup>3</sup>		
			Тўғри тўртбурчак қисм, (P)	Конус қисм, қисм, (P)		Тўғри тўртбурчак қисм, (P)	Конус қисм, қисм, (P)	
I	10 гача	4	200	160-170	3	180	140-150	
		5	210		4	190		
		6	220		5	200		
		7	250		6	230		
		ва ундан кўп						
	11-16	4	200		3	180		
II	11 гача	4	185		4	190		140-150
		5	195		3	165		
		6	210		4	175		
	12-16	4	190		5	190		
		5	205	3	170			
	16 дан кўп	4	195	4	185			
III	13 гача	4	185	140-150	3	165	120-130	
		5	200		4	180		
	14-19	3	170		2	150		
		4	180		3	160		
	19 дан кўп	3	170		2	150		
		4	180		3	160		
IV	14 гача	3	170		2	150		
		4	180		3	160		
	15-20	3	180		2	160		
		4	190		3	170		
	20 дан кўп	3	180		2	160		
V	15 гача	3	170		2	150		
		4	190	3	170			
	16-22	3	170	2	150			
		22 дан кўп		170		150		

Диссертациянинг «Ғарам қатламлари ва технологик жараёнларнинг тола сифатига таъсири ва олинган натижалар таҳлили» деб номланган учинчи бобида ғарам қатламлари бўйича пахтанинг майда ва йирик ифлосликлардан тозаланиш самарадорлигининг ўзгариши, пахта толаси таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдорининг ғарам қатламлари бўйича ўзгариши, ғарам қатламлари бўйича толанинг тузилишига таъсири, пахта толасининг механик шикастланиши ва бурамдорлигининг ғарам қатламлари бўйича ўзгариши, ғарамда пахтанинг жойланишига қараб тола физик-механик хоссаларининг ўзгариши тадқиқ этилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди.

Пахтанинг майда ва йирик ифлосликлардан тозаланиш самарадорлигини аниқлаш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Олинган натижалар асосида умумий ифлосликлардан тозаланиш самарадорлиги аниқланди ва синов натижалар 2-жадвалда келтирилди.

**Ғарам қатламлари бўйича пахтанинг майда ва йирик ифлосликлардан тозаланиш самарадорлигининг ўзгариши**


т/р	Кўрсаткичлар	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	Ғарам қатламлари		
			Юқори	Ўрта	Пастки
<b>Ғарамдаги пахта</b>					
1.	Пахтанинг намлиги, %	8,5	8,3	8,6	8,5
	Умумий ифлосликлар миқдори, %	7,3	7,4	7,5	7,6
	шу жумладан:				
	майда ифлосликлар миқдори, %	5,2	5,2	5,2	5,2
	йирик ифлосликлар миқдори, %	2,1	2,2	2,3	2,4
<b>Тозалаш жараёнидан кейин</b>					
2.	Тозалаш жараёнидан кейинги пахтанинг намлиги, %	8,1	8,0	8,2	8,2
	Умумий ифлосликлар миқдори, %	0,99	0,75	0,89	1,02
	шу жумладан:				
	майда ифлосликлар миқдори, %	0,40	0,42	0,57	0,62
	йирик ифлосликлар миқдори, %	0,21	0,22	0,32	0,35

Тадқиқот натижаларини таҳлил этадиган бўлса, кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахтанинг ифлосликлардан тозаланиш самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан тозалаш жараёнидан кейин умумий ифлосликлар миқдори 88,2% ни, майда ифлосликлар миқдори 92,8% ни, йирик ифлосликлар миқдори 91,6% ни, ғарамнинг юқори қатламидаги пахтанинг ифлосликлардан тозаланиш самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан тозалаш жараёнидан кейин умумий ифлосликлар миқдори 91,0% ни, майда ифлосликлар миқдори 92,3% ни, йирик ифлосликлар миқдори 91,4% ни, ғарамнинг ўрта қатламидаги пахтанинг ифлосликлардан тозаланиш самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан тозалаш жараёнидан кейин умумий ифлосликлар миқдори 86,1% ни, майда ифлосликлар миқдори 89,1%га, йирик ифлосликлар миқдори 85,5% ни, ғарамнинг пастки қатламидаги пахтанинг ифлосликлардан тозаланиш самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан тозалаш жараёнидан кейин умумий ифлосликлар миқдори 86,4% ни, майда ифлосликлар миқдори 88,5%га, йирик ифлосликлар миқдори 83,3% ни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда республикаимиз пахта тозалаш корхоналари замонавий типдаги, максимал тозалаш имкониятига эга бўлган ускуналар билан жиҳозланган. Лекин, бу ускуналарда хомашёни қайта ишлаш учун пахтани ғарамда тўғри сақлаш катта аҳамият касб этади.

Пахта тозалаш корхонасида ғарамда сақланаётган пахта толаси таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдorigа технологик жараёнлар таъсирини ўрганиш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди ва олинган синов натижалари 1 ва 2-расмларда келтирилди.


Умумий нуқсон ва чиқиндилар миқдори ва ифлослик, %



1-умумий нуқсон ва чиқиндилар миқдори; 2- ифлосликлар миқдори.

1-расм. Пахта толаси таркибидаги умумий нуқсон ва чиқиндилар ва ифлосликлар миқдорининг ўзгариши.

Урилган жароҳатланган ва пўстлоқли тола миқдори, %





1- урилган ёки жароҳатланган чигитлар миқдори; 2- пўстлоқли тола миқдори.



2-расм. Пахта толаси таркибидаги урилган ёки жароҳатланган чигитлар ва пўстлоқли тола миқдорининг ўзгариши.

Олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлилидан кўриниб турибдики, ғарам зичлиги ортиши билан тола таркибидаги умумий нуқсон ва чиқиндилар миқдори 17,7% дан 30,2% гача, урилган ёки жароҳатланган чигитлар миқдори 36,8% дан 55,6% гача, пўстлоқли тола миқдори 45,0% дан 60,7% гача, ифлосликлар миқдори 2,2% дан 2,3% гача ошганлиги аниқланди.



Пахта толасининг ғарамда сақланган пахта толаси тузилиши микроскоп ёрдамида кузатилди ва олинган натижалар 3-расмда келтирилган.



Ғарамнинг юқори қисми



Ғарамнинг ўрта қисми



Ғарамнинг пастки қисми

3-расм. Ғарам қатламлари бўйича тола тузилишининг ўзгариши.

Олинган натижалар таҳлили шу нарсани кўрсатиб турибди, пахтани юқори ғарам зичлигида сақлаш натижасида толанинг морфологик хоссаларининг ўзгариши кузатилди.

Пахтани дастлабки ишлаш жараёнида тозалаш, жинлаш, толани тозалаш ва пресслаш жараёнларида толалар механик шикастланади.

Пахта тозалаш корхоналарида сифатли хом ашё олиш учун ғарамда пахтани сақлаш жараёнидан олинган толанинг пишганлик даражасига қараб,

уларнинг механик шикастланишлар миқдори ва бурамдорлик кўрсаткичи микроскоп ёрдамида тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари 3-ва 4-жадвалларда келтирилган.

**3-жадвал**

**Пахта толасининг механик шикастланишининг ғарам қатламлари бўйича ўзгариши**

т/р	Ғарам қатламлари	Умумий шикастланишлар миқдори, %	Толанинг пишганлик даражаси		
			0-1,0	1,5-2,5	3,0-4,0
1.	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	6	4	2	-
Толани тозалаш жараёнидан кейин					
2.	Ғарамнинг юқори қатлампидан олинган намуна	16	11	4	1
3.	Ғарамнинг ўрта қатлампидан олинган намуна	22	14	6	2
4.	Ғарамнинг пастки қатлампидан олинган намуна	28	17	9	2

**4-жадвал**

**Пахта толасининг бурамдорлигининг ғарам қатламлари бўйича ўзгариши**

т/р	Ғарам қатламлари	Толанинг пишганлик даражаси		
		0-1,0	1,5-2,5	3,0-4,0
1.	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	34	47	67
Толани тозалаш жараёнидан кейин				
2.	Ғарамнинг юқори қатлампидан олинган намуна	32	50	65
3.	Ғарамнинг ўрта қатлампидан олинган намуна	30	45	62
4.	Ғарамнинг пастки қатлампидан олинган намуна	28	42	60

Олиб борилган тадқиқот натижалари шу нарсани кўрсатдики, ғарам зичлиги ортиши билан толанинг пишганлик даражасига қараб, 50,0% дан 77,8% гача механик шикастланиши ортди, бурамдорлик даражаси эса 3,0% дан 17,6% гача камайди. Ундан ташқари, толаларнинг пишганлик даражасига нисбатан қарайдиган бўлсак, яхши пишиб етмаган толаларда бурамдорлик кам эканлиги аниқланди.

Пахта тозалаш корхоналарида сифатли хомашё олиш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Унинг учун, ғарамда сақлаш ва технологик жараёнлар таъсирида олинган толанинг сифат кўрсаткичлари замонавий Textechno FIBROTEST асбобида аниқланди ва олинган синов натижалари 5 жадвалда келтирилган.

**Толаларнинг сифат кўрсаткичларига ғарам қатламларининг таъсири**

т/р	Кўрсаткичлар	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	Ғарам қатламлари		
			Юқори	Ўрта	Пастки
1.	Мис-микронейр	4,0	4,0	4,1	4,1
2.	Str-солиштира узилиш кучи, gk/teks	32,23	32,07	31,36	31,44
3.	Len-юқори ўртача узунлик	1,18	1,16	1,12	1,15
4.	Unf-узунлик бўйича бирхиллик индекси, %	83,6	82,8	82,6	82,0
5.	SFI-калта толалар индекси	3,8	4,1	5,7	7,4
6.	Elg-узилишдаги узайиш, %	9,6	9,7	8,7	7,6
7.	Cnt-ифлос аралашмалар сони	2	2	4	6
8.	Rd-нур қайтариш коэффициентлари	82,5	82,2	81,5	79,9
9.	+b-сарғишлик даражаси	7,8	8,1	8,9	9,8

Таҳлиллар натижаси шу нарсани кўрсатдики, ғарамнинг ердан 1 метр ва 2 метр баландлигида зичлиги ортиб кетиши натижасида пахта хомашёси айниқса толалар рангининг сарғишлик даражаси ортиб кетиши ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Ундан ташқари, пахта хомашёсини ғарамда бир текисда шакллантириш ишлари олиб борилмаса ҳам пахтанинг сифат кўрсаткичлари ғарамнинг зичлиги ортиши билан бузилишига сабабчи бўлади.

Пахта тозалаш корхонасида ғарамда сақланаётган пахтанинг сифат кўрсаткичларига технологик жараёнлар таъсирини ўрганиш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди ва олинган синов натижалари 6-жадвалда келтирилган.

**Тола физик-механик хоссаларининг ғарам қатламлари бўйича ўзгариши**

т/р	Кўрсаткичлар	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	Ғарам қатламлари		
			Юқори	Ўрта	Пастки
1.	Толанинг чизиқий зичлиги, мтекс	170	170	171	171
2.	Толанинг узилиш кучи, sN	4,6	4,6	4,6	4,5
3.	Толанинг солиштира узилиш кучи, sN/teks	27,1	27,1	26,9	26,3
4.	Толанинг узунлиги, mm				
	модаля масса	30,8	30,1	29,8	29,5
	штапель масса	34,0	33,5	33,0	32,2
	ўртача масса	25,0	24,5	24,1	24,0
5.	Толанинг пишиб етилганлиги				
6.	Калта толалар миқдори, %	7,8	11,8	17,8	23,4

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, ғарам зичлиги ортиши билан толанинг узилиш кучи 0,1 sNга, штапель масса узунлиги эса 1,8 mm га камайиб кетиши аниқланди.

Диссертациянинг «Ғарам қатламларининг ип сифатига таъсири ва олинган натижалар таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида ип йигирув маҳсулотларининг нотекислик кўрсаткичларининг ўзгариши, ипларнинг сифат

кўрсаткичларининг турли ғарам қатламлари бўйича ўзгариши, ғарам қатламларидан олинган ипларнинг нотекислик кўрсаткичларининг ўзгариши, ип сифат кўрсаткичларини эмпирик ва назарий тақсимланиш меъёрлари орқали сифатини баҳолаш, кичик ҳажмдаги ва ўлчамдаги ғарамдаги пахта толаларидан ип ишлаб чиқариш учун тўлиқ факторли эксперимент натижаларини қайта ишлаш масалалари тадқиқ этилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди.

Ғарамда сақланган пахтадан олинадиган пилтанинг нотекислик кўрсаткичлари тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари 7-жадвалда келтирилди.

## 7-жадвал


### Турли йигириш жараёни ўтимларидаги маҳсулот нотекислигининг ўзгариши

т/р	Йигириш жараёни ўтимлари	Чизиқий зичлик бўйича квадратик нотекислик
Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта		
1.	Тараш жараёни	3,71
2.	Пилталаш жараёни	4,02
Ғарамнинг юқори қатламидаги пахта		
1.	Тараш жараёни	3,90
2.	Пилталаш жараёни	3,90
Ғарамнинг ўрта қатламидаги пахта		
1.	Тараш жараёни	6,15
2.	Пилталаш жараёни	5,12
Ғарамнинг пастки қатламидаги пахта		
1.	Тараш жараёни	5,61
2.	Пилталаш жараёни	5,26

Олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлилидан кўриниб турибдики, тавсия этилаётган вариант бўйича пахта олинган йигирув маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан ғарам қатламларининг ортиб бориши билан тараш жараёнидан кейинги пилтанинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 4,9% дан 33,8% гача, пилталаш жараёнидан кейинги пилтанинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 3,0% дан 18,0% гача ошганлиги аниқланди.

Ундан ташқари, ғарам қатламларида сақланаётган хомашёдан лаборатория шароитида олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди ва олинган тадқиқот натижалари асосида 5-расмда ғарам қатламлари бўйича олинган ипларнинг нотекислик кўрсаткичларининг ўзгариш гистограммаси келтирилди.





5-расм. Ипларнинг чизиқий зичлиги ва буралишлар сони бўйича квадратик нотекислигининг ўзгариши.

Олинган синов натижаларини ғарамланмаган пахтадан олинган ипнинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, ғарамнинг юқори қатламидаги пахтадан олинган ипнинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 34,3% га, буралишлар сони бўйича квадратик нотекислиги 21,5% га, ғарамнинг ўрта қатламидаги пахтадан олинган ипнинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 39,5% га, буралишлар сони бўйича квадратик нотекислиги 20,0% га, ғарамнинг пастки қатламидаги пахтадан олинган ипнинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 51,1% га, буралишлар сони бўйича квадратик нотекислиги 25,0% га ошди. Синов натижаларидан кўриниб турибдики, пахта ғарамининг зичлиги ортиши билан ундан олинадиган ипларнинг чизиқий зичлиги ва буралишлар сони бўйича квадратик нотекислиги ошаркан.

Ундан ташқари, ипларнинг физик-механик хоссалари тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари 8-жадвалда келтирилди.

### 8-жадвал

#### Ғарам қатламлари ва технологик жараёнларнинг ипларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири

т/р	Кўрсаткичлар	Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахта	Ғарам қатламлари		
			Юқори	Ўрта	Пастки
1.	Ипларнинг узилиш кучи, сN	255,14	233,47	233,44	231,76
2.	Ипларнинг солиштира узилиш кучи, сN/teks	12,76	11,67	11,67	11,59
3.	Ипларнинг узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги, %	6,3	8,2	10,06	8,06
4.	Ипларнинг узилишдаги узайиши, %	7,36	6,80	6,78	6,60
5.	Ипларнинг узилишдаги узайиши бўйича квадратик нотекислиги, %	6,10	8,46	7,41	9,08
6.	Ипларнинг узилишдаги кучланиши, сN·sm	498,40	421,25	417,62	407,92
7.	Ипларнинг узилишдаги кучланиши бўйича квадратик нотекислиги, %	12,02	16,64	17,82	16,85

Тадқиқот натижалари таҳлилидан кўриниб турибдики, пахтани юқори ғарам зичлигида сақлаш натижасида ипларнинг узилиш кучи, солиштирма узилиш кучи камайди, узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги ошди, узилишдаги узайиши камайди, узилишдаги узайиши бўйича квадратик нотекислиги ошди.

Турли ғарам қатламлари ва технологик жараёнлар таъсирида олинган ипларнинг физик-механик хоссалари тадқиқ этилгандан кейин, олинган синов натижаларига асосланиб, яъни ипларнинг мустаҳкамлиги ва солиштирма узилиш кучи бўйича Фишер ва Стьюдент мезонлари асосида таққосланди. Натижалар таҳлили шу нарсани кўрсатдики, тавсия этилаётган вариант бўйича пахтадан олинган ипларнинг кўрсаткичлари Фишер мезони бўйича ипларнинг дисперсияси ва Стьюдент мезони бўйича бу ипларнинг ўртача қиймати ғарамнинг пастки қатламидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан кескин фарқ қилиниши аниқланди.

Ип сифат кўрсаткичларини эмпирик ва назарий тақсимланиш меъёрлари орқали сифатини баҳолаш амалга оширилди. Мезонга асосан яқка ипнинг узиш кучи бўйича эмпирик тақсимланиши нормал тақсимланиш қонуниятига мослиги қиёсий баҳоланди.

Кичик ўлчамли ва ҳажмий зичликдаги ғарамда сақланган пахтадан олинган ип, ғарамнинг юқори, ўрта ва пастки қатламлари толаларидан олинган пахта ипи узилиш кучлари бўйича эмперик тақсимланишлар нормал тақсимланишга мос келади, шунинг учун ўртача қийматларининг ишончлилик эҳтимоллиги  $P_d = 0,95$  да аҳамиятли ҳисобланди.

Кичик ҳажмдаги ва ўлчамдаги ғарамдаги пахта толаларидан ип ишлаб чиқариш учун тўлиқ факторли эксперимент натижалари қайта ишланди.

Экспериментал тадқиқот икки босқичда ўтказиш режалаштирилди. Экспериментни ўтказиш учун танланган факторлар ва улар чегарасининг интервали учун кодировка қилинган ва натурал қийматлари 9-жадвалда келтирилган.

## 9-жадвал

### Кичик ҳажмдаги ва ўлчамдаги ғарамда пахта толаларидан ип ишлаб чиқариш учун тўлиқ факторли эксперимент ўтказишда қўлланилган кириш параметрларининг коди ва натурал қийматлари

Факторлар	Ўзгариш сатҳи					Ўзгариш интервали
	-1,414	-1	0	+1	+1,414	
Йиғириш машинасининг ип юритгич тезлиги (18,5 тексли ип учун), V, м/мин-Х1	166	170	180	190	194	10
Ипларни таранглиги, F сН, -Х2	22	23	25	27	28	2

Ҳамма эксперимент вариантлари учун факторларнинг берилган қийматлари ўрнатилиб, уч даражали назорат остига олиниб борилди.

Тўлиқ факторли эксперимент 2-тартибли рототабел режа бўйича ўтказилди.

Тенгламаларнинг адекватлиги F-критерияни аниқлаш формуласи орқали текширилди ва иккинчи тартибдаги модель 0,95 ишончлилик эҳтимоли билан

адекватли деб топилди, бунда юқори дисперсия учун эркинлик даражаси  $f_{ад} = 3$  ва  $f_e = 4$  паст бўлган дисперсия учун Фишер мезони бўйича 0,95 ишончлилик эҳтимоли билан жадвалли қиймат  $F_{жадвал} = 6,59$  га тенг бўлиб, иккинчи тартибдаги моделда  $F_{хисобий} < F_{жадвал}$  лигини кўрсатди ва аҳамиятли деб топилди.

Кичик ҳажмдаги ва ўлчамдаги ғарам ва технологик жараёнларнинг пахта толаси ва йигирилган ип сифатига таъсирини ўрганиш натижаларидан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик 330874,50 минг сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

Илмий-тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар ва тавсияни келтириш мумкин:

1. Пахта пахта тозалаш корхонасида пахтани ғарамда сақлашнинг такомиллаштирилган услуби ишлаб чиқилди ва тола ҳамда ундан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари Давлат стандартлари асосида аниқланди.

2. Кичик ҳажмдаги ва ўлчамдаги пахта ғарамини қайта ишлайдиган бўлсак, умумий ифлосликлардан тозаланиш самарадорлиги 88,2% га, майда ифлосликлардан тозаланиш самарадорлиги 92,8% га, йирик ифлосликлардан тозаланиш самарадорлиги 91,6% га яхши тозаланганлиги аниқланди.

3. Толанинг тузилиши микроскоп ёрдамида таҳлил этадиган бўлсак, пахтани ғарамда юқори зичликда сақлаш натижасида толанинг морфологик хоссаларининг ўзгариши кузатилди.

4. Ғарамнинг баландлиги ортиши билан толанинг сифат кўрсаткичлари камайди. Ундан ташқари, ғарам зичлиги ортиши билан толанинг узилиш кучи, солиштирама узилиш кучи, штапель масса узунлиги камайиб, калта толалар миқдори аксинча ошди.

5. Кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги пахта ғарамидан олинган йигирув маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан ғарам қатламларининг ортиб бориши билан тараш жараёнидан кейинги пилтанинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 4,9% дан 33,8% гача, пилталаш жараёнидан кейинги пилтанинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги 3,0% дан 18,0% гача ошганлиги аниқланди.

6. Пахтани юқори ғарам зичлигида сақлаш натижасида ипларнинг узилиш кучи, солиштирама узилиш кучи камайди, узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги ошди, узилишдаги узайиши камайди, узилишдаги узайиши бўйича квадратик нотекислиги ошди.

7. Турли ғарам қатламлари ва технологик жараёнлар таъсирида олинган ипларнинг физик-механик хоссалари Фишер ва Стьюдент мезонлари асосида таққосланди. Натижалар шуни кўрсатдики, тавсия этилаётган вариант бўйича пахтадан олинган ипларнинг кўрсаткичлари Фишер мезони бўйича ипларнинг дисперсияси ва Стьюдент мезони бўйича бу ипларнинг ўртача қиймати ғарамнинг пастки қатламидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан кескин фарқ қилиниши аниқланди.

8. Ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари ва ифлосликлар миқдорини аниқлашдан олинган тадқиқот натижалари шу нарсани кўрсатдики, тавсия этилаётган вариант ва ғарамнинг юқори қисмидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан ғарамнинг ўрта ва пастки қатламларидан олинган ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари ва неслар сони ортиб кетишлиги аниқланди.

9. Кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги пахта ғарами, ғарамнинг юқори, ўрта ва пастки қатламлари толаларидан олинган пахта ипи узилиш кучлари бўйича эмперик тақсимланишлар нормал тақсимланишга мос келади, шунинг учун ўртача қийматларининг ишончлилиқ эҳтимоллиги  $P_d = 0,95$  да аҳамиятли ҳисобланади.

10. Тенгламаларнинг адекватлиги F-критерияни аниқлаш формуласи орқали текширилди ва иккинчи тартибдаги модель 0,95 ишончлилиқ эҳтимоли билан адекватли деб топилди, бунда юқори дисперсия учун эркинлик даражаси  $f_{ad} = 3$  ва  $f_e = 4$  паст бўлган дисперсия учун Фишер мезони бўйича 0,95 ишончлилиқ эҳтимоли билан жадвалли қиймат  $F_{жадвал} = 6,59$  га тенг бўлиб, иккинчи тартибдаги моделда  $F_{хисобий} < F_{жадвал}$  лигини кўрсатди ва аҳамиятли деб топилди.

11. Пахтани ғарамлашнинг кичик ўлчамдаги ва ҳажмий зичликдаги модели ва ғарамнинг турли қатламларидан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари асосида эмперик тақсимланишни қиёсий баҳолаш дастури яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИСМАТОВА МАХСУДА МИРЗАКУЛОВНА**

**ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПЛОТНОСТИ БУНТА НА ПОКАЗАТЕЛИ  
КАЧЕСТВА ВОЛОКНА И СВОЙСТВА ПРЯЖИ**

**05.06.01- Материаловедение производств текстильной и легкой промышленности**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/T2114.**

Диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Жуманиязов Кадам Жуманиязович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мадумаров Илхам Дедаханович**  
доктор технических наук, профессор

**Ахмедов Акмал Ахмедович**  
кандидат технических наук,

**Ведущая организация:** **Наманганской инженерно-технологической институт**

Защита диссертации состоится 20 августа 2021 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности 2 этаж, 222 кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (№108 регистрационный номер). Адрес: 100100, Яккасарайский район, ул. Шохжахон-5. Тел. (+ 99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 5 августа 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 108 от 5 августа 2021 г.).



**И.К. Сабиров**  
Председатель Совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н.



**А.З.Маматов**  
Ученый секретарь Совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н, профессор

**И.А.Набиева**  
Председатель Научного семинара при Совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н. профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одно из ведущих мест в мире занимает использование энерго- и ресурсосберегающих технологий и оборудований для выращивания, хранения и производства изделий из хлопкового волокна, тканей, готовых швейных изделий, экологически чистых и положительно влияющих на здоровье человека. «Китай, США, Бразилия и Индия являются ведущими странами производителями хлопка в мире»<sup>1</sup>. В этих странах для сохранения своего места и престижа в этом сегменте мирового рынка, устойчивого развития технологий переработки хлопка, производства и внедрения современного технологического оборудования, рационального использования ресурсов, обеспечение мирового рынка качественной, конкурентоспособной продукцией большое значение имеет осуществление качественного хранения и переработки хлопка.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по созданию нового оборудования и технологий, на основе выявления основных факторов, влияющих на технологические процессы хранения и переработки хлопка в готовые изделия. В связи с этим особое внимание уделяется изучению вопросов повышения качества волокна и пряжи на предприятиях по хранению, переработке и прядению хлопка, эффективности очистки хлопкового волокна в технологических процессах, механических повреждений, показателя извитости и изменения свойств пряжи, выработанной из волокна хлопка.

В нашей республике ведутся широкомасштабные мероприятия по разработке техники и технологии, по созданию новых методик, ресурсосберегающих технологий, которые дают возможность сохранения качеств продукции, вырабатываемой из хлопкового волокна в процессе переработки и хранения хлопка-сырца, по выращиванию хлопка-сырца, хранению и уменьшению расхода энергии, а также труда при получении качественной конкурентоспособной продукции из хлопкового волокна, в результате которых удалось получить устойчивые результаты. В стратегии действий развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 года поставлены такие важные задачи, как «модернизация и ускоренное развитие сельского хозяйства, последовательное развитие производства сельской хозяйственной продукции, упрочнение безопасности продуктов питания, расширение производства экологически чистой продукции, повышение в значительной степени экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>2</sup>. Для выполнения этих задач, в том числе, в целях улучшения качества продукции хлопкоочистительных и прядильных предприятий, внедрение на этих предприятиях измерительных средств, методов, а также энергосберегающих и ресурсосберегающих технологий приобретает всё большее значение.

---

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. УП - 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановлении Президента Республики Узбекистан №4186 “О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности” от 12 февраля 2019 года, принятый в целях обеспечения производства конкурентоспособной продукции, путём внедрения в производство современных форм организации хлопко-текстильного производства, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №253 от 31 март 2018 г. “О дополнительных мерах по организации деятельности хлопково-текстильных производств и кластеров”, Постановлении Президента Республики Узбекистан №4709 от 11 мая 2020 г. “О дополнительных мерах по специализации регионов Республики на производстве сельскохозяйственной продукции”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Теоретическими задачами процессов приёма, хранения и бунтования хлопка-сырца, усовершенствованием технологии бунтования, созданием его новых методов, исследованием задач влияния на качество хлопка-сырца и хлопковой продукции получаемого из хлопкового сырца в этих процессах занимались такие зарубежные учёные как, R.V.Baker, S.E.Hughs, R.M.Sutton, M.Ryszard, B.G.Aryde.

Исследованиями по разработке фундаментальных вопросов, охватывающих теоретико-методологические основы создания технологии приема, хранения и последующей переработки хлопка-сырца в Республике занимались такие исследователи как Г.И. Мирошниченко, А.Н. Нуралиев, А.Н. Суслин, Б.Г. Кадыров, Г.А. Тихомиров, В.Байдюк, М.Т.Ходжиев, Х.К.Рахмонов, Т.А.Очилов, М.Рузметов и другие.

Хотя применение технологий и методов, разработанных в результате этих исследований, дали определенные положительные результаты при хранении и переработке хлопка, в настоящее время недостаточно исследований по улучшению качества начиная с волокна, пряжи и тканей в условиях внедрения хлопко-текстильного кластера.

**Связь диссертационного исследования с исследовательскими планами научного учреждения, в котором выполнялась диссертация.** Исследование диссертации выполнено в рамках проекта ИТД-3-39 «Разработка технологии повышения конкурентоспособности хлопчатобумажной пряжи кольцевым методом» научно-исследовательского плана Джизакского политехнического института и Ташкентского института текстильной и легкой промышленности.



**Целью исследования** является исследование физико-механических свойств волокна и пряжи, выработанной из него, на основе разработки модели бунтования хлопка-сырца малых размеров и объемной плотности.

**Задачи исследования:**

